

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус
таълим вазирлиги.**



«Иқтисодиёт» кафедраси

“Тасдиқлайман”

Илмий услубий

кенгаши

раиси в.б. _____ Қ.Эрматов.

2013 йил _____ август

“Бизнес стратегияси” фанидан
Курс ишлари бажариш юзасидан
услубий қўлланма

Билим соҳаси:

300000 – Ижтимоий фанлар, бизнес ва ҳуқуқ

Таълим соҳаси:

340000 – Бизнес ва бошқарув

Таълим йўналиши:

340400 – Бизнесни бошқариш (Ташқи иқтисодий фаолият)

Услубий қўлланма кафедранинг 2013
йил _____ августдаги мажлисида
муҳокама қилиниб, Ўқув – услубий
комиссияга тасдиқлаш учун тавсия
этилган

Андижон – 2013

Тузувчилар: катта ўқитувчилар Х. Айбешов, Э.Юлчиев.

Такризчилар: и.ф.н., доцент Г.Бозорова.
и.ф.н., проф. И.Каюмов.

Услубий кўрсатмалар кафедранинг умумий мажлисида муҳокама қилиниб,
Ўқув – услубий комиссияга тасдиқлаш учун тавсия этилган.

Қарор №__ «__» 2013 йил.

Услубий кўрсатмалар «Техника» факультети Ўқув – услубий комиссиясида
муҳокама қилинган ва фойдаланишга тавсия қилинган.

Қарор №__ «__» 2013 йил.

Услубий кўрсатмалар Институт Ўқув – услубий комиссиясида муҳокама
қилинган ва фойдаланишга тавсия қилинган.

Қарор №__ «__» 2013 йил.

Кириш

Президентимиз И.А.Каримов томонидан олиб борилаётган туб ижтимоий ислохатларда таълим тизимини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилган. Чунки мустақил Ўзбекистонни жаҳон ҳамжамияти давлатлари орасида мустахкам ўрин эгаллаши биринчи навбатда юқори интеллектуал салоҳиятга эга бўлган, жаҳон андозалари талабларига жавоб бера оладиган рақобатбардош кадрлар тайёрлашга боғлиқ бўлади. Жумладан ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланувчи мутахассислар ўрни бекиёсдир.

Ушбу мураккаб масалани ижобий ҳал этилишида 5340400 – «Бизнесни бошқариш» йўналиши талабалари учун «Бизнес стратегияси» курсини ўқитилиши, жаҳон бозорларига маҳсулот олиб чиқиш, хорижий сармояларни кенг жалб этиш, қўшма тадбиркорликни янада ривожлантириш билан боғлиқ бўлган кўникмаларни шакллантиришда алоҳида аҳамият касб этади.

Услубий қўлланма Бизнес стратегияси курсининг Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг «23» августдаги 263 сонли буйруғи билан тасдиқланган ва № БД – 53402 қайд рақами билан рўйхатга олинган намунавий дастур асосида тузиб чиқилди.

I. Курс ишининг таркибий тузилиши.

Кириш – бу ерда талаба 2 – 4 бет хажмда танланган мавзунинг долзарблиги, мақсади, унинг хал этиш вазифалари ва истиқболини ифода этади.

II. Назарий қисм: Танланган мавзунинг назарий асосини тегишли манбалардан фойдаланган ҳолда ёритади. Амалий қисм: Аниқ бир корхона, ташкилотнинг сўнги 3 – 5 йилдаги маълумотларига таянган ҳолда таҳлил этади.

III. Тавсия: таҳлил маълумотлари асосида аниқланган кучли ва кучсиз томонлар аниқ кўрсатилади. Кучсиз томонларнинг сабаблари аниқланади ва уни ижобий хал этишнинг аниқ йўллари тавсия этилади. Қисқача хулоса берилади. Фойдаланилган адабиётлар ва манбалар рўйхати илова қилиниши шарт.

IV. Тавсия этилган курс ишларининг рўйхати.

1. Стратегик режалаштиришни корхона (фирма) фаолиятини бошқаришдаги урни.
2. Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий сиёсат стратегияси.
3. Ишлаб чиқаришни бошқаришда ташқи муҳит омиллари таҳлилидан фойдаланишнинг аҳамияти.
4. Ишлаб чиқаришни бошқаришда ички муҳит омиллари таҳлилидан фойдаланишнинг аҳамияти.
5. Стратегияни амалга ошириш шароитлари.
6. Ишлаб чиқаришни модернизациялашни иқтисодиётни барқарорлаштиришдаги роли.
7. Ишлаб чиқаришни диверсификациялашнинг иқтисодиётни юксалтиришдаги роли.
8. Стратегик бошқарув моделлари.
9. Ўсиш ва фойда олиш стратегияси.
10. Бизнес стратегияни аниқлашнинг зарурияти ва истиқболлари.
11. Стратегик бошқаришда халқаро бизнес муҳитини ҳисобга олиш тажрибалари.
12. Салкин ичимликлар ишлаб чиқарувчи компанияларнинг Ўзбекистон бозорига кириб келишининг ўзига хос томонлари.
13. Корхона(фирма)лар стратегик мавқеини баҳолаш.
14. Корхона(фирма)ларнинг ўсиш стратегиялари.
15. Бизнес стратегиясининг умумий характеристикаси.
16. Бозор ва тармокни жалб этиш стратегияси.
17. Стратегик режалаштиришнинг методологик асослари.
18. Корхона маркетинг стратегияси.
19. Корхоналарда баҳони шакллантириш стратегияси.
20. Корхоналарда кадрлар танлаш ва жой-жойига қуйиш стратегияси.
21. Корхоналарда молиялаш стратегияси.

22. Корхона(фирма) фаолиятини башоратлашнинг стратегияни танлашдаги аҳамияти.
23. Бизнесда стратегик мақсадларни танлаш.
24. Стратегияни танлашда иқтисодий д давлат томонидан тартибга солинишининг афзалликлари ва муаммолари.
25. Махсулот(товар)нинг ҳаётийлик даври кўрсаткичларини баҳолаш стратегиясининг асоси.
26. Инсоний муҳитларни стратегияни танлашдаги ўрни.
27. Маданий муҳитларни стратегияни танлашдаги ўрни.
28. Ривожланаётган давлатларнинг савдо стратегияси.
29. Кўп миллатли компаниялар стратегияси.
30. Кишлоқ хўжалик махсулотларини экспорт қилиш стратегияси.
31. Иқтисодий модернизациялаш шароитида афтомобилларни экспорт қилиш стратегияси.
32. Фаолият олиб бориш жойини танлашда географик ва хусусият стратегияси.
33. Диверсификация стратегияси.
34. Халқаро бизнес кўламида корпорацияларнинг давлатларни танлаш ва уларга кириб бориш стратегияси.
35. Бизнес стратегиясини танлашда қиёсий ёндашув усулидан фойдаланиш.
36. Бизнесни баҳолашда харжати ёндашув усулидан фойдаланиш.
37. Глобал стратегия.
38. Корхонани таъки муҳитини таҳлил қилиш.
39. Корхонани ички муҳитини таҳлил қилиш.

Курс ишини ёзиш тартиби ва қоидалари.

Курс иши 35 – 40 варақ ҳажмда талаба томонидан ўз қўли билан ёзилади. Ишни бошлашдан олдин фан ўқитувчиси ёки курс иши юзасидан тайинланган раҳбар билан режани қилишиб олиши мумкин.

Курс ишини бажариш босқичлари:

- тавсия этилган мавзулар орасидан мустақил, қизиққан ёки танланган илмий йўналиши бўйича мавзунини танлаб олиши;
- мавзу юзасидан аниқ ишрежасини ишлаб чиқиш;
- мавзуга оид адабиётлар билан танишиш ва зарурий материалларни тўплаш;
- тегишли тартибда назарий асосини ёритиши;
- амалий манбалардан олинган маълумотларни таҳлил этиши;
- курс ишини аниқ тушунарли сўзлардан фойдаланган ҳолда ёзиши;

Курс ишини расмийлаштириш ва рўйхатдан ўтказиш.

Курс иши А-4 форматли қоғознинг бир томонига ёзилади. Қоғознинг чап томонидан 30 мм, ўнг томонидан 20 мм. ва пастдан 25 мм. бўш жой қолдириб икки интервал орасида ёзилади.

Курс ишини бош варағидан бошлаб, барча саҳифалар араб рақами билан тартиб рақам қўйилади.

Курс ишининг барча таркибий қисмлари яъни кириш, биринчи, иккинчи, учинчи масалалар, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати янги саҳифадан бошланади.

Жадвалларнинг юқори қисми ўнг бурчагига тартиб рақами қўйилиб, сўнг номи ёзилади. Охирги қисмига олинган манба кўрсатиб қўйилиши шарт.

Расм, чизма ва турли диаграммалар номи пастки қисмига ёзилади ва белгиланган тартибда номерланади.

Хар қандай жадвал, расм, чизма ва диаграммаларга шарҳ берилиши шарт.

Эслатма: Масалани якуни жадвал, расм, чизма ва диаграммалар билан тугалланмайди.

Курс ишида илова материаллари келтирилиши мумкин, мажбурий ва шарт эмас.

Адабиётлар рўйхати қуйидаги тартибга келтирилиши шарт:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.
2. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари.
3. Ўзбекистон Республикаси вазирлар Маҳкамасининг қарорлари.
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, нутқлари, асарлари.

Шундан сўнг тегишли адабиётлар муаллиф фамилияси бош ҳарфи бўйича алфавит тартибда ёзилади, сўнгга корхона маълумотлари, оммавий ахборот воситалари ва интернет маълумотлари ёзилади.

Курс иши мазмунига кўра алоҳида танланган аниқ бир мавзунинг назарий асосини ёритади, мавзу аниқ корхона(ташкилот) мисолида ўрганади, унинг келгусидаги истиқболларини ифода этади.

Курс ишининг назарий асосини ёритишда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, вазирлар маҳкамасининг қарорлари Президент қарор ва фармонлари ва бошқа меъёрий ҳужжатларга асосланиши, танланган мавзу бўйича илмий изланишлар олиб борган хориж ва маҳаллий иқтисодчи олимлар меҳнатларидан фойдаланиши керак.

Амалий аҳамиятини бойитишда аниқ бир корхона(ташкилот)ларнинг охирги 3 – 5 йиллардаги ҳисобот маълумотларига таяниши зарур.

Мамлакатимизда олиб борилаётган стратегик мақсадлар доирасидан келиб чиққан ҳолда, келгусида иқтисодий салоҳиятни юксалтиришни таъминловчи аниқ тавсияларни кўрсатиб бериши зарур.

Курс ишининг бош варағи иловада келтирилган тартибда расмийлаштирилади.

Курс ишини химоя қилиш.

Талаба курс ишини ёзиб якунлагандан сўнг, назарий курс тугашидан қаида бир ҳафта олдин ёзиб тугатилиши ва кафедра рўйхатидан ўтказилиши шарт.

Кафедрага топширилган курс ишлари рахбар томонидан кўриб чиқилади ва химоя қилишга лойиқлиги аниқланади.

Белгиланган талабларга жавоб бермайдиган курс ишлари қайта ишлашга талабага қайтариб берилади.

Факультет деканати томонидан белгиланган куни ва кафедра томонидан тузилган ваколатли шахслар гуруҳи томонидан химоя қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

Андижон машинасозлик институти

«Иктисодиёт» кафедраси

«Бизнес стратегияси» фанидан

КУРС ИШИ

Мавзу: _____

Текширди: _____

Бажарди: _____

Адабиётлар рўйхати:

1. Викханский «Стратегическое управление» . М. «Экономика» 2003 г
2. Папов С.А. Стратегический менеджмент: Введение важнее чем знания. М. Дело. 2003.
3. Мировая экономика и международный бизнес. Учебник / Под. Ред. В.В. Полянова и Р.К. Щенина – М: Кнорус , 2008- 688с
4. Гриффин Р. , Пастей М. Международный бизнес. И. с. Изд. СПб. : Питер. 2006-1088
5. И.А.Насриддинова , О.М.Ахмедов «Бизнес стратегияси» . Ўқув қўлланма «Шарк» нашриёти матбаа концернининг бош тахририяти Т. 1996.
6. Мировая экономика и международный бизнес: Практикум / Под. ред. проф В.В Полянова. –М: Кнорус, 2007- 400б
7. Бобина М.А., Грачев И.В. Международный бизнес: Стратегия альянсов – М: Дело 2006 -240с
8. Вавилова Е.В., Бородилина Л.П. Международная торговля: Учебное пособие.–М: Гардарини, 2006 – 278с
9. Турсунов Р.Т. “Бизнес стратегияси” ўқув курси бўйича таълим технологияси. Услубий қўлланма / “Иқтисодиёт таълимида ўқитиш технологияси” тўплами. – б. : ТГЭУ, 2006. 149с
- 10.Турсунов Р.Т. “Бизнес стратегияси” ўқув предметида ўқув услубий комплекс: Услубий қўлланма / “Иқтисодиёт таълимида ўқитиш технологияси” тўплами. – Т. : ТГЭУ, 2006, 104б
- 11.Авдокулин Г. Ф. Маркетинг в международном бизнесе. М: “Дошков –К”, 2007 -328с
- 12.<http://www.ziyo.net>;
- 13.<http://www.wto.com>;
- 14.<http://www.unctad.org>

